

### ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Шарипов Қувондиқ Баҳтиёрович –  
Ўзбекистон миллий университети  
“Макроиқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари, Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижалари, тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси, қўшимча ҳар бир ишловчи, қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ва қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари таҳлил қилинган. Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси, қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи, қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона, қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртacha ва меъёрий кўрсаткичларининг жозибадорлик даражаси динамикаси таҳлил қилинган.

**Таянч иборалар:** кичик бизнес, ихтинослашув, тармоқ, ўртacha натижса, меъёрий самарадорлик, жозибадорлик даражаси, инвестиция, фойда меъёри, самарадорлик.

**Аннотация.** В данной статье описаны методики расчета эффективности процесса специализации малого бизнеса по отраслям экономики, валовой продукции и финансовых результатов малого бизнеса в Узбекистане по отраслям, каждому дополнительному инвестиционному ресурсу в сети, каждому дополнительному сотруднику, каждому дополнительное предприятие и, кроме того, соответствующие производственные результаты за счет стоимости каждой единицы. Динамика привлекательности средних и нормативных показателей производственных результатов, соответствующих стоимости каждой дополнительной единицы инвестиционного ресурса в сети, каждого дополнительного нанятого сотрудника, каждого дополнительного созданного предприятия, каждой дополнительной удельной стоимости.

**Ключевые слова:** малый бизнес, специализация, отрасль, средний результат, нормативная эффективность, уровень привлекательности, инвестиции, маржа прибыли, эффективность.

**Abstract.** This article describes the methods of calculating the efficiency of the process of specialization of small businesses by sectors of the economy, the gross output and financial results of small businesses in Uzbekistan by industry, each additional investment resource in the network, each additional employee, each additional enterprise and in addition, the corresponding production results at the expense of each unit cost were analyzed. The dynamics of the attractiveness of the average and normative indicators of production results corresponding to the cost of each additional unit investment resource in the network, each additional employee employed, each additional established enterprise, each additional unit cost.

**Keywords:** small business, specialization, industry, average result, regulatory efficiency, level of attractiveness, investment, profit margin, efficiency.

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви мазкур жараёнларининг самарадорлигини таъминламасдан ҳал этиб бўлмайди.

Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқлар бўйича ихтинослашув жараёнларининг самарадорлиги қуйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлади:

- муайян тармоқда банд бўлган иқтисодий ресурслар миқдори ва сифатининг ошиши;
- ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурслар ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгариши;
- тармоқлар бўйича тадбиркорлик капиталининг ҳар бир бирлигига тўғри келувчи самара кўрсаткичлари даражасининг ўзаро яқинлашуви.

Бу ҳолатлар ичida ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурслар ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгариши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалага кўплаб иқтисодий манбаларда тўхталиб ўтилган. Кўплаб манбаларда таҳлилнинг ушбу кўрини-

ши “сўнгги қўшилган омил унумдорлиги” тушунчаси орқали намоён бўлади. “Ишлаб чиқариш натижасини баҳолашда ишлаб чиқариш омиллари навбатдаги бирлигини сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, яъни ҳар бир омил қўшимча сарфининг у келтирадиган самара билан таққослаш муҳимдир. Бу сўнгги қўшилган маҳсулот кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Сўнгги қўшилган маҳсулот – энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми. Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган қўшилган маҳсулот сўнгги қўшилган омил унумдорлиги деб айтилади. Сўнгги қўшилган маҳсулот (ўсган) миқдорини сўнгги қўшилган (ўсган) ишчи кучи ёки капитал миқдорига бўлиш йўли билан қўшилган омил, яъни қўшилган капитал ёки қўшилган ишчи кучи унумдорлиги аниқланади, яъни:

$$KM = \Delta M / \Delta K \text{ ёки } KM = \Delta M / \Delta H [1]$$

Биз ушбу кўрсаткични тадқиқотимиз давомида **иқтисодий ресурсларнинг меъё-**

**рий самарадорлиги** деб атаймиз. Бироқ, тармоққа киритилаётган ҳар бир иқтисодий ресурс сарфи эвазига олинаётган мөъёрий самарадорликни аниқлашнинг ўзи етарли эмас. Бу ўринда мазкур кўрсаткич тармоқ фаолиятининг кенгайиши (ўсиши) жараёнига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини ҳам баҳолаш зарур. Бунинг учун иқтисодий ресурс сарфи эвазига олинаётган ўртача маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Ўртача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми:

$$\bar{Y}M = M/(I, K) \quad [1]$$

Биз ушбу кўрсаткични тадқиқотимиз давомида **иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа** деб атаймиз. Мазкур кўрсаткичдан фойдаланишдан кўзланган мақсад шуки, қачонки ресурсларнинг мөъёрий самарадорлиги қиймати ўртача нағижа қийматидан катта бўлсагина мазкур тармоқ фаолиятини кенгайтириш самарали ҳисобланади. Шунга кўра, бу иккала кўрсаткичларнинг нисбати орқали тармоққа киритилаётган иқтисодий ресурсларнинг самарадорлик даражасини аниқлаймиз ва уни **ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси** деб атаймиз:

$$ЖД = \frac{MC}{\bar{Y}H},$$

бу ерда:

ЖД - ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси;

МС - иқтисодий ресурсларнинг мөъёрий самарадорлиги;

ЎН - иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача нағижа.

Ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражасининг жорий давр учун қиймати бу борадаги тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмаслиги мумкин. Шунга кўра, тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш нағижалари ўртача ва мөъёрий самарадорлик кўрсаткичларнинг жозибадорлик даражасининг бир неча йиллар давомидаги динамикаси асосида ўртача кўрсаткични аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$\bar{Y}_{ЖД} = \sum_{i=1}^n \frac{MC_i}{\bar{Y}H_i} / n,$$

бу ерда:

Ўжд - муайян давр оралиғи учун ресурсларни тармоққа киритишнинг ўртача жозибадорлик даражаси;

МС - иқтисодий ресурсларнинг мөъёрий самарадорлиги;

ЎН - иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача нағижа;

і - таҳлил даврига киритилган йил;

н - таҳлил даврига киритилган йиллар сони.

Фикримизча, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашувини такомиллаштириш борасидаги иқтисодий самарадорликни қўйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ:

- тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш нағижалари кўрсаткичлари;

- тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш нағижалари кўрсаткичлари;

- тармоқда қўшимча равища банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш нағижалари кўрсаткичлари;

- тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш нағижалари кўрсаткичлари.

Агар ишлаб чиқариш нағижаларини тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда тармоқ молиявий нағижалари (фойда, зарар) орқали ифодаласак, у ҳолда юқоридаги кўрсаткичлар тизимини қўйидаги формуналар кўринишида намоён этиш мумкин (1-жадвал).

Ушбу жадвалдаги формуналарда ифодаланган ҳисобот ва базис даврларини таҳлилнинг мақсади ва қамровидан келиб чиқсан ҳолда турли кўринишида қўллаш мумкин. Масалан, агар алоҳида ҳолдаги ва қисқа муддатли даврдаги ўзгаришларни таҳлил зарур бўлса, у ҳолда иккита йил, яъни ҳисобот даври сифатида муайян йил, базис даври сифатида эса олдинги йил маълумотлари олиниши мумкин. Агар динамик ҳолдаги узоқ йиллик ўзгаришларни таҳлил қилиш зарур бўлса, у ҳолда:

- ҳар бир йилни ҳисобот даври, ундан олдинги йилни эса базис даври сифатида қабул қилиш;

- жорий йилни ҳисобот даври, таҳлил даврининг биринчи йилини эса базис даври сифатида қабул қилиш мумкин.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви жараёnlари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳар биридан хусусий ҳолда ҳамда улар асосидаги интеграл кўрсаткични ҳисоблаш орқали комплекс ҳолда фойдаланиш мумкин.

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

1-жадвал

### Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари [3]

Кўрсаткич	Ҳисоблаш усули	Шартли белги
Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ( $X_{Сяих}$ ; $X_{Смн}$ )	$X_{Сяих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{X_x - X_b},$ $X_{Смн} = \frac{MH_x - MH_b}{X_x - X_b}$	ЯИХ <sub>x</sub> – ҳисобот давридаги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; ЯИХ <sub>b</sub> – базис давридаги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; MH <sub>x</sub> – ҳисобот давридаги тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарар); MH <sub>b</sub> – базис давридаги тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарар); X <sub>x</sub> – ҳисобот давридаги тармоқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми; X <sub>b</sub> – базис давридаги тармоқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми.
Тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ( $X_{Сяих}$ ; $X_{Смн}$ )	$KС_{яих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{KC_x - KC_b},$ $KС_{мн} = \frac{MH_x - MH_b}{KC_x - KC_b}$	KС <sub>x</sub> – ҳисобот даврида тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони; KC <sub>b</sub> – базис даврида тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони.
Тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ( $B_{Сяих}$ ; $B_{Смн}$ )	$BС_{яих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{BC_x - BC_b},$ $BС_{мн} = \frac{MH_x - MH_b}{BC_x - BC_b}$	BC <sub>x</sub> – ҳисобот даврида тармоқда банд бўлган ишловчилар сони; BC <sub>b</sub> – базис даврида тармоқда банд бўлган ишловчилар сони.
Тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ( $ИС_{яих}$ ; $ИС_{мн}$ )	$ИС_{яих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{ИХ_x - ИХ_b},$ $ИС_{мн} = \frac{MH_x - MH_b}{ИХ_x - ИХ_b}$	ИХ <sub>x</sub> – ҳисобот даврида тармоққа киритилган инвестиция ҳажми; ИХ <sub>b</sub> – базис даврида тармоққа киритилган инвестиция ҳажми.

Энг аввало мамлакатимиз тармоқларидағи кичик бизнес корхоналарида қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижаларини кўриб чиқамиз. Бунда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик тўпламидаги “Маҳсулот (товарлар,

ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган софтушум” кўрсаткичи маълумотларидан, молиявий натижалар (фойда, зарар) кўрсаткичи сифатида эса “Фойда солиғини тўллагунга қадар фойда (зарар)” кўрсаткичи маълумотларидан фойдаланамиз. Ҳисобот даври сифатида 2019 йил, базис даври сифатида эса 2018 йил маълумотлари олинади (2-жадвал).

2-жадвал

### Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижалари (фойда, зарар), млрд. сўм [2]

Тармоқлар	Кўрсаткич	Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми		Молиявий натижалари (фойда, зарар)	
		2018	2019	2018	2019
<b>Хаммаси</b>		<b>184609,6</b>	<b>249862,5</b>	<b>26365,6</b>	<b>22798,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги		3302,0	5957,5	255,9	235,9
Саноат		71730,4	82636,4	11298,7	7827,4
Қурилиш		28927,1	39721,3	3586,1	2737,4
Савдо		62351,1	94941,5	7053,6	6899,0
Ташиш ва сақлаш		3824,2	5329,8	810,1	682,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар		3053,7	4464,9	160,6	535,0
Ахборот ва алоқа		1906,3	2439,4	630,2	667,1
Молиявий ва суғурта фаолияти		797,6	1597,3	412,6	604,7
Таълим		306,8	525,9	54,0	88,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш		938,7	1307,7	139,9	179,5
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш		270,9	368,8	-4,0	29,2
Бошқа турлари		7200,8	10572,0	1967,9	2312,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳдил даврида бутун иқтисодиёт бўйича кичик бизнес корхоналарининг ялпи ишлаб чи-

кариш ҳажми 135,3 фоизга ошган, фойда ҳажми эса, аксинча, 86,5 фоиз даражасига қадар пасайган. Шуниси эътиборлики, бу кўрсаткич

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

тармоқлар бүйича фарқланмоқда. Жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан молиявий ва суғурта фаолияти (200,3%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (180,4%), таълим (171,4%) тармоқларда ушбу кўрсаткич ўртача даражадан юқори бўлса, ахборот ва алоқа (128 %), саноат (115,2 %) тармоқларда эса аксинча ўртача даражадан паст бўлган. Олинган фойда даражаси бўйича яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (333,1%), таълим (163,7%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (128,3%) тармоқларда ушбу кўрсаткич ўртача даражадан юқори бўлса, саноат (69,3%), қурилиш (76,3%), ташиш

ва сақлаш (84,2%) тармоқларда эса аксинча ўртача даражадан паст бўлган. Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 2018 йилда 4 млн. сўм ҳажмида зарар қўрилган бўлса, 2019 йилда 29,2 млн. сўм ҳажмида фойда олинган.

Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичларини таҳлил қилишда юқорида қайд этиб ўтилган статистик тўпламдаги “Сотилган маҳсулоти (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” кўрсаткичи маълумотларидан фойдаланамиз (З-жадвал).

### 3-жадвал Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари [2,3]

Тармоқлар	Кўрсаткич	Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми, млрд. сўм		Бир бирлик харажатнинг ўртача натижаси, бирлик		Харажатларнинг меъёрий самарадорлиги, бирлик		Жозибадорлик даражаси, марта	
		2018	2019	яих	мн	яих	мн	яих	мн
<b>Ҳаммаси</b>	<b>135629,5</b>	<b>195373</b>	<b>1,28</b>	<b>0,12</b>	<b>1,09</b>	<b>-0,06</b>	<b>0,9</b>	<b>-0,5</b>	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2503,8	4870,6	1,22	0,05	1,12	-0,01	0,9	-0,2	
Саноат	52028,3	63903,8	1,29	0,12	0,92	-0,29	0,7	-2,4	
Қурилиш	22703,7	32619,5	1,22	0,08	1,09	-0,09	0,9	-1,0	
Савдо	49743,7	80080,8	1,19	0,09	1,07	-0,01	0,9	-0,1	
Ташиш ва сақлаш	2089	3169,2	1,68	0,22	1,39	-0,12	0,8	-0,6	
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1670	2608,9	1,71	0,21	1,50	0,40	0,9	1,9	
Ахборот ва алоқа	807,9	1136,3	2,15	0,59	1,62	0,11	0,8	0,2	
Молиявий ва суғурта фаолияти	191,9	569,3	2,81	1,06	2,12	0,51	0,8	0,5	
Таълим	165,5	266,5	1,97	0,33	2,17	0,34	1,1	1,0	
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	458,2	632,3	2,07	0,28	2,12	0,23	1,0	0,8	
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	132,4	185,8	1,98	0,16	1,83	0,62	0,9	4,0	
Бошқа турлари	3135,1	5330,3	1,98	0,43	1,54	0,16	0,8	0,4	

З-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида иқтисодиёт бўйича кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми 144,0 фоизга ошган. Бироқ бу кўрсаткич тармоқлар бўйича фарқланади. Жумладан, молиявий ва суғурта фаолияти (296,7%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (194,5%), савдо ва таълим (161%) тармоқларда ушбу кўрсаткичлар ўртача даражадан юқори бўлса, саноат (122,8%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (138%), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (140,3%) тармоқларида эса аксинча паст бўлган.

Бир бирлик харажатнинг ўртача натижаси иқтисодиёт бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 1,28 бирлик, олинган молиявий натижага (фойда)га кўра 0,12 бирликни ташкил этган. Бироқ бу кўрсаткич тармоқлар бўйича фарқланмоқда. Жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра ахборот ва алоқа тармоғида 2,15, молиявий ва суғурта фаолияти тармо-

ғида 2,81, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш тармоғида 2,07, яъни ушбу кўрсаткич нисбатан юқори бўлса, савдо (1,19 бирлик), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда қурилиш (1,22 бирлик) тармоқларида эса аксинча паст бўлган.

Олинган молиявий натижага (фойда)га кўра анъанавий тармоқлар, яъни қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (0,05 бирлик), қурилиш (0,08 бирлик), савдо (0,09 бирлик)да мазкур кўрсаткичнинг нисбатан паст бўлганлигини, молиявий ва суғурта фаолияти (1,06 бирлик), ахборот ва алоқа (0,59 бирлик), таълим (0,33 бирлик) тармоқларида эса ўртача кўрсаткичдан юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Харажатларнинг меъёрий самарадорлиги, яъни қўшимча 1 сўмлик харажатнинг кўпайиши эвазига иқтисодиёт бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 1,09 бирлик, олинган молиявий натижага кўра -0,06 бирликни,

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

яьни зарарни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич ҳам тармоқлар бўйича фарқланади. Жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан таълим (2,17 бирлик), молиявий ва суғурта фаолияти ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (2,12 бирлик) тармоқларида ўртacha кўrсаткичдан юқори бўлса, саноат (0,92 бирлик), савдо (1,07 бирлик) тармоқларда эса аксинча паст бўлган.

Олинган молиявий натижа жиҳатидан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (0,40 бирлик), молиявий ва суғурта фаолияти (0,51 бирлик), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (0,62 бирлик) тармоқларида ўртacha кўrсаткичдан юқори бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (-0,01 бирлик), саноат (-0,29 бирлик), қурилиш (-0,09 бирлик), савдо (-0,01 бирлик), ташиш ва сақлаш (-0,12 бирлик) тармоқларининг барчасида қўшимча 1 сўмлик харажатнинг ошиши эвазига зарар кўрилган.

Жозибадорлик даражаси иқтисодиёт бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 0,9 марта, олинган молиявий натижа (фойда)га кўра -0,5 мартани, яъни манфий даражани ташкил этган. Бироқ бу кўrсаткич ҳам тар-

моқлар бўйича фарқланиб, жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан таълим тармоғида 1,1 марта, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўrсатиш тармоғида 1,0 мартага тенг бўлган, қолган тармоқларда ўртacha даражадан паст бўлган. Олинган молиявий натижа (фойда)га кўра жозибадорлик даражаси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 1,9 марта, таълим тармоғида 1,0 марта, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 4,0 мартани ташкил этган. Қолган барча тармоқларда манфий ишорага эга бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, сўнгги бир йил учун ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси бу борадаги тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмаслиги мумкин. Шунга кўра, тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўrтacha ва меъёрий самарадорлик кўrсаткичларининг жозибадорлик даражасининг 2014-2019 йиллар давомидаги динамикасини қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (4-жадвал).

### 4-жадвал

**Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб  
чиқариш натижалари ўrтacha ва меъёрий самарадорлик кўrсаткичларининг  
жозибадорлик даражаси динамикаси [2,3]**

Тармоқлар	2015		2016		2017		2018		2019		Ўrтacha жозибадорлик даражаси	
	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН								
<b>Ҳаммаси</b>	1,1	1,5	1,1	1,6	1,0	-1,4	0,9	1,2	0,9	-0,5	1,00	0,47
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	-1,0	9,8	1,0	1,9	1,0	-0,9	1,0	0,5	0,9	-0,2	0,57	2,23
Саноат	1,2	1,6	1,1	1,5	1,2	-2,6	0,8	1,5	0,7	-2,4	0,99	-0,07
Қурилиш	1,0	1,3	1,0	1,2	1,0	1,2	1,0	0,9	0,9	-1,0	0,99	0,73
Савдо	1,0	1,5	1,1	1,8	1,1	-8,6	0,9	1,1	0,9	-0,1	1,01	-0,85
Ташиш ва сақлаш	0,7	0,8	0,9	0,6	1,0	0,9	0,9	1,0	0,8	-0,6	0,88	0,57
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,0	1,3	1,0	1,2	1,1	1,8	1,3	-7,8	0,9	1,9	1,06	-0,32
Ахборот ва алоқа	2,0	3,7	1,1	1,4	0,9	0,5	1,0	1,2	0,8	0,2	1,15	1,41
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,8	0,7	-0,6	-1,1	0,8	1,0	0,8	0,4	0,8	0,5	0,51	0,30
Таълим	1,3	1,5	0,2	-1,0	0,9	0,7	1,0	1,3	1,1	1,0	0,91	0,70
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўrсатиш	0,9	-0,5	1,1	1,5	0,8	-0,9	1,0	1,9	1,0	0,8	0,96	0,57
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,8	-1,2	-0,3	-1,3	0,9	1,0	0,8	14,0	0,9	4,0	0,61	3,31
Бошқа турлари	1,0	2,0	1,0	1,0	0,8	1,4	0,9	0,1	0,8	0,4	0,88	0,99

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўrтacha ва меъёрий самарадорлик кўrсаткичларининг ўrтacha жозибадорлик дара-

жаси ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 1 марта, олинган молиявий натижа (фойда)га кўра 0,47 мартани ташкил этган. 2015-2019 йиллар оралиғида қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

чиқариш натижалари ўртача жозибадорлик даражаси ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра савдо тармоғида 1,01 марта, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 1,06 марта, ахборот ва алоқа тармоғида 1,15 мартани ташкил этган. Олинган молиявий натижа (фойда)га кўра санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 3,31 марта, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида 2,23 марта, ахборот ва алоқа тармоғида 1,41 мартани ташкил этган.

Тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичларининг таҳлили ўзига хос хусусият касб этади. Бунда энг эътиборли жиҳат - тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари

ўртача кўрсаткичдан катта бўлиши керак. Бунинг учун эса мунтазам равишида тармоқдаги корхоналар кўламини ўстириб боришга ҳараткат қилиш керак бўлади.

Шунингдек, юқоридаги жараёнларни баҳолашда доим ҳам мазкур кўрсаткичдан фойдаланиб бўлмайди. Чунки, ишлаб чиқариш натижалари корхона кўламига қараб фарқланади. Ушбу кўрсаткич ижобий тавсиф касб этиши учун эса доимо кичик бизнес субъектлари тоифасига кирувчи нисбатан катта кўламдаги корхоналарни ташкил этиш тақозо этилади.

Тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижаларини куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (5-жадвал).

### 5-жадвал

**Тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари [2,3]**

Тармоқлар	Кўрсаткич	Тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони, бирлик		Корхона бирлигига ўртача натижа, млн.сўм		Корхоналар меъёрий самарадорлиги, млн.сўм		Жозибадорлик даражаси, марта	
		2018	2019	яиҳ	МН	яиҳ	МН	яиҳ	МН
<b>Хаммаси</b>	<b>262930</b>	<b>334767</b>	746,4	68,1	908,3	-49,7	1,2	-0,7	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	23975	28847	206,5	8,2	545,1	-4,1	2,6	-0,5	
Саноат	56233	69970	1181,0	111,9	793,9	-252,7	0,7	-2,3	
Қурилиш	28955	36021	1102,7	76,0	1527,6	-120,1	1,4	-1,6	
Савдо	70457	100573	944,0	68,6	1082,2	-5,1	1,1	-0,1	
Ташиби ва сақлаш	13121	15157	351,6	45,0	739,5	-62,9	2,1	-1,4	
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	19656	25461	175,4	21,0	243,1	64,5	1,4	3,1	
Ахборот ва алоқа	6738	7621	320,1	87,5	603,7	41,8	1,9	0,5	
Молиявий ва суғурта фаолияти	-	-	-	-	-	-	-	-	
Таълим	-	-	-	-	-	-	-	-	
Софлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	5364	6370	205,3	28,2	366,8	39,4	1,8	1,4	
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	-	-	-	-	-	-	-	-	
Бошқа турлари	38431	44747	236,3	51,7	533,8	54,6	2,3	1,1	

Жадвалдан кўринадики, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан иқтисодиётда фаолият кўрсатган корхоналар сони 71837 бирликка кўпайган ёки 127,3%ни ташкил этган. Мутлақ миқдорда, айниқса, савдо (30116 бирлик) ва саноат (13737 бирлик) тармоқларида корхоналар сони ошган. Нисбий миқдорда бу кўрсаткич савдода 142,7%, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 129,5%, саноат ва қурилишда 124,4%ни ташкил этган. Битта корхонага тўғри келувчи ялпи ишлаб чиқариш ҳажми иқтисодиёт бўйича 746,4 млн. сўмни, молиявий натижа (фойда) ҳажми эса 68,1 млн. сўмни ташкил этган. Тармоқлар бўйича олганда, битта корхонага тўғри келувчи ялпи ишлаб чиқариш ҳажми саноат (1181,0 млн. сўм), қурилиш (1102,7 млн. сўм), савдо (944,0

млн. сўм) тармоқларида нисбатан юқори бўлса, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (175,4 млн. сўм), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (205,3 млн.сўм), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (206,5 млн. сўм) тармоқларида анча паст бўлган. Битта корхонага тўғри келувчи молиявий натижа (фойда) ҳажми саноатда 111,9 млн. сўм, ахборот ва алоқада 87,5 млн.сўм, қурилишда 76,0 млн.сўм бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 8,2 млн. сўм, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 21,0 млн. сўм, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 28,2 млн. сўмни ташкил этган.

Корхоналар меъёрий самарадорлиги, яъни қўшимча битта корхона фаолияти йўлга қўйилиши эвазига иқтисодиётда ялпи ишлаб

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

чиқариш ҳажми 908,3 млн. сүмга ошган бўлса, молиявий натижа эса, аксинча, ўртача 49,7 млн. сўм зарар келтирган.

Тармоқдаги қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий кўрсаткичларининг жозибадорлик дараҷаси-нинг 2015-2019 йиллардаги динамикасини қуидаги жадвал орқали баҳолаш мумкин (6-жадвал).

**6-жадвал**

### Тармоқдаги қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий кўрсаткичларининг жозибадорлик дараҷаси [2,3]

Тармоқлар	2015		2016		2017		2018		2019	
	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
<b>Ҳаммаси</b>	2,9	4,2	15,2	21,5	2,3	-3,0	3,2	4,0	1,2	-0,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	0,3	-2,6	7,5	15,1	2,0	-1,9	2,2	1,1	2,6	-0,5
Саноат	3,5	5,0	7,0	9,6	2,7	-6,0	2,7	5,0	0,7	-2,3
Қурилиш	2,5	3,0	3,8	4,6	2,6	3,1	3,1	3,0	1,4	-1,6
Савдо	6,9	9,7	6,5	10,2	3,0	-24,4	3,2	4,0	1,1	-0,1
Ташиш ва сақлаш	1,2	1,4	2,2	1,5	2,7	2,5	3,2	3,4	2,1	-1,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,3	2,9	4,5	5,3	1,5	2,4	1,7	-10,4	1,4	3,1
Ахборот ва алоқа	-9,5	-17,6	-11,6	-14,9	-41,3	-23,9	4,4	5,4	1,9	0,5
Молиявий ва суғурта фаолияти	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Таълим	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	19,7	-11,9	-0,6	-0,8	2,3	-2,6	1,8	3,3	1,8	1,4
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Бошқа турлари	1,1	2,3	-3,4	-3,4	2,3	4,2	3,5	0,5	2,3	1,1

6-жадвал маълумотларидан кўринадики, қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий самарадорлик кўрсаткичларининг ўртача жозибадорлик дараҷаси ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 2015 йилда 2,9 марта, олинган молиявий натижа (фойда)га кўра 4,2 марта ташкил этган бўл-

са, 2019 йилда ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 1,2 ва -0,7 марта ташкил этган.

Таҳлил давомида тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичларини баҳолаш муҳим ўрин тутади (7-жадвал).

**7-жадвал**

### Тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари [2,3]

Тармоқлар	Кўрсаткич	Тармоқда банд бўлган ишловчилар сони, минг киши		Меҳнат ресурси бирлигига ўртacha натижа, млн.сўм		Меҳнат ресурси самарадорлиги, млн.сўм		Жозибадорлик дараҷаси, марта	
		2018	2019	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
<b>Ҳаммаси</b>	<b>908</b>	<b>1075,1</b>	<b>181,7</b>	<b>16,6</b>	<b>217,4</b>	<b>-11,9</b>	<b>1,2</b>	<b>-0,7</b>	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	39	50,9	85,1	3,4	139,0	-1,0	1,6	-0,3	
Саноат	307,1	359,6	182,1	17,2	115,7	-36,8	0,6	-2,1	
Қурилиш	133,8	176,9	176,4	12,2	223,5	-17,6	1,3	-1,4	
Савдо	158,1	181,3	382,2	27,8	485,7	-2,3	1,3	-0,1	
Ташиш ва сақлаш	74,1	85,5	53,5	6,8	106,8	-9,1	2,0	-1,3	
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	52,8	64,3	51,3	6,1	61,9	16,4	1,2	2,7	
Ахборот ва алоқа	15,5	17,6	119,6	32,7	190,4	13,2	1,6	0,4	
Молиявий ва суғурта фаолияти	5,9	6	225,0	85,2	727,0	174,6	3,2	2,1	
Таълим	5,4	7,4	44,2	7,4	48,7	7,6	1,1	1,0	
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	23,4	27,9	38,7	5,3	62,5	6,7	1,6	1,3	
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	4	5,3	54,2	4,3	65,3	22,1	1,2	5,2	
Бошқа турлари	88,9	92,3	95,2	20,8	180,3	18,4	1,9	0,9	

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан иқтисодиёт бўйича банд бўлган ишловчилар сони 167,1

минг кишига ортган ёки 118,4%ни ташкил этган. Ишловчилар сони барча тармоқларда ортганлигига қарамасдан, бу жараён айрим

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

тармоқларда катта миқдорга эга бўлган, жумладан: саноатда 52,5 минг киши (117,1%), қурилишда 43,1 минг киши (132,2 %), савдода 23,2 минг киши (114,7%). Шуниси эътиборлики, айрим тармоқларда ишловчилар сони мутлақ кўринишда у қадар катта аҳамият касб этмасада, бироқ нисбий кўринишда сезиларли даражада ўсган. Масалан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11,9 минг киши (130,5%),

таълимда 2 минг киши (137,0%), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 1,3 минг киши (132,5%)ни ташкил этган.

Мазкур ҳолатларни тармоқдаги қўшимча равишида банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий кўрсаткичларининг жозибадорлик даражаси динамикасидан ҳам кузатиш мумкин (8-жадвал).

### 8-жадвал

#### **Тармоқдаги қўшимча равишида банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий кўрсаткичларининг жозибадорлик даражаси динамикаси [2,3]**

Тармоқлар	2015		2016		2017		2018		2019	
	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
<b>Ҳаммаси</b>	<b>10,2</b>	<b>14,5</b>	<b>5,0</b>	<b>7,1</b>	<b>2,1</b>	<b>-2,7</b>	<b>2,6</b>	<b>3,3</b>	<b>1,2</b>	<b>-0,7</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	-0,1	0,6	-4,0	-8,0	9,8	-9,1	1,3	0,7	1,6	-0,3
Саноат	6,6	9,3	3,6	4,9	2,6	-5,8	2,5	4,7	0,6	-2,1
Қурилиш	3,8	4,8	3,4	4,0	6,2	7,4	2,3	2,2	1,3	-1,4
Савдо	118,4	166,8	-4,9	-7,7	5,2	-42,0	2,8	3,5	1,3	-0,1
Ташиби ва сақлаш	2,1	2,3	1,2	0,8	1,2	1,1	2,5	2,7	2,0	-1,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-23,1	-29,4	5,7	6,7	2,4	3,8	1,3	-8,0	1,2	2,7
Ахборот ва алоқа	-2,6	-4,8	0	0	5,9	3,4	3,1	3,8	1,6	0,4
Молиявий ва суғурта фаолияти	0	0	-2,3	-4,4	-2,8	-3,8	15,3	7,8	3,2	2,1
Таълим	-3,5	-4,2	1,3	-5,8	1,7	1,3	1,8	2,2	1,1	1,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	3,5	-2,1	3,5	5,1	1,2	-1,4	2,0	3,6	1,6	1,3
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0	0	0,7	3,3	2,3	2,7	1,8	33,1	1,2	5,2
Бошқа турлари	2,0	4,3	2,4	2,4	2,4	4,4	9,1	1,2	1,9	0,9

Жадвал маълумотларидан кўринадики, қўшимча равишида банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий самара-дорлик кўрсаткичларининг ўртача жозибадорлик даражаси ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 2015 йилда 10,2 марта, олинган молиявий натижага кўра 14,5 марта

ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткичлар тегишли равишида 1,2 ва - 0,7 мартани ташкил этган. Таҳлилнинг якунловчи босқичи сифатида тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичларини баҳолаш мақсадга мувофиқ (9-жадвал).

### 9-жадвал

#### **Тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари [2,3]**

Тармоқлар	Кўрсаткич	Тармоқда кири-тилган инвестиция ҳажми, млрд. сўм		Инвестицион ресурс бирлигига ўртача натижага, бирлик		Инвестицион ресурс самара-дорлиги, бирлик		Жозибадорлик даражаси, марта	
		2018	2019	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
<b>Ҳаммаси</b>	<b>33111,9</b>	<b>70650,2</b>	<b>3,5</b>	<b>0,3</b>	<b>1,74</b>	<b>-0,10</b>	<b>0,5</b>	<b>-0,3</b>	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3528,6	5158,8	1,2	0,0	1,63	-0,01	1,4	-0,3	
Саноат	16625,4	43533,5	1,9	0,2	0,41	-0,13	0,2	-0,7	
Қурилиш	2075,4	6535,4	6,1	0,4	2,42	-0,19	0,4	-0,5	
Савдо	3692,3	5326,8	17,8	1,3	19,94	-0,09	1,1	-0,1	
Ташиби ва сақлаш	1196,6	2511,3	2,1	0,3	1,15	-0,10	0,5	-0,4	
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	648,6	2092,2	2,1	0,3	0,98	0,26	0,5	1,0	
Ахборот ва алоқа	193,1	254,1	9,6	2,6	8,74	0,60	0,9	0,2	
Молиявий ва суғурта фаолияти	70,6	103,4	15,4	5,8	24,38	5,86	1,6	1,0	
Таълим	60,8	175,9	3,0	0,5	1,90	0,30	0,6	0,6	
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	520,9	864	1,5	0,2	1,08	0,12	0,7	0,6	
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	988,9	179,5	2,1	0,2	-0,12	-0,04	-0,1	-0,3	
Бошқа турлари	3510,7	3915,3	2,7	0,6	8,33	0,85	3,1	1,4	

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

9-жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодиётга киритилган инвестиция ҳажми 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 37538,3 млрд. сўмга ортган ёки 213,4 %ни ташкил этган. Киритилган инвестиция ҳажми барча тармоқларда ортганилигига қарамасдан, бу жараён айrim тармоқларда катта миқдорга эга бўлган, жумладан: саноатда 26908,1 млрд. сўм (261,8 %), қурилишда 4460 млрд. сўм

(314,9%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1630,2 млрд. сўм (146,2%), савдода 1634,5 млрд. сўм (144,3%). Шуниси эътиборлики, айрим тармоқларда ишловчилар сони мутлақ кўринишда у қадар катта аҳамият касб этмасда, бироқ нисбий кўринишда сезиларли даражада ўсган. Масалан, таълимда 115,1 млрд. сўм (289,3%) ни ташкил этган.

### 10-жадвал

#### **Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий кўрсаткичларининг жозибадорлик даражаси динамикаси [2,3]**

Тармоқлар	2015		2016		2017		2018		2019	
	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
<b>Ҳаммаси</b>	<b>1,2</b>	<b>1,8</b>	<b>1,1</b>	<b>1,6</b>	<b>0,5</b>	<b>-0,6</b>	<b>0,7</b>	<b>0,9</b>	<b>0,5</b>	<b>-0,3</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	-0,3	2,9	1,0	2,1	0,6	-0,6	0,4	0,2	1,4	-0,3
Саноат	2,0	2,9	1,1	1,5	0,7	-1,5	0,7	1,3	0,2	-0,7
Қурилиш	0,6	0,7	-1,2	-1,4	0,7	0,9	1,0	0,9	0,4	-0,5
Савдо	0,7	1,0	1,3	2,1	0,4	-3,0	0,6	0,8	1,1	-0,1
Ташиш ва сақлаш	-4,9	-5,4	0,6	0,4	1,6	1,5	0,7	0,7	0,5	-0,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-2,3	-2,9	1,1	1,3	0,6	0,9	0,4	-2,4	0,5	1,0
Ахборот ва алоқа	-4,9	-9,1	1,0	1,2	1,0	0,6	0,7	0,9	0,9	0,2
Молиявий ва суғурта фаолияти	-2,7	-2,4	0,4	0,8	0,4	0,5	-0,3	-0,1	1,6	1,0
Таълим	-1,6	-2,0	0,2	-0,9	-1,4	-1,1	0,6	0,8	0,6	0,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	0,6	-0,3	1,1	1,6	1,0	-1,1	0,8	1,4	0,7	0,6
Санъат, қўнгил очиш ва дам олиш	0,6	-0,9	0,1	0,7	-0,5	-0,6	0,5	8,7	-0,1	-0,3
Бошқа турлари	0,7	1,4	1,4	1,4	0,5	0,9	0,9	0,1	3,1	1,4

10-жадвал маълумотларидан кўринадики, қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий самарадорлик кўрсаткичларининг ўртача жозибадорлик даражаси ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 2015 йилда 1,2 марта, олинган молиявий натижа (фойда)га кўра 1,8 марта ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткичлар теги

гишли равишда 0,5 ва -0,3 марта ташкил этган.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали ушбу жараёнларни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш имконияти қўлга киритилади.

#### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

- 1.Шодмонов Ш.Ш., Faфуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
- 3.Муаллиф ишланмалари

## **ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИННИГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ**

**Аширбоев Эрмат Азимович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети мустақил изланувчиси**

**Аннотация:** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожланиши ҳолати ва унга таъсир қиливчи омиллар, соҳани ривожлантиришининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ва таркибий ўзгаришларини баҳолаш бўйича илмий хуласалар ва таклифлар баён этилган.

**Таянч иборалар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, статистик таҳлил, яратилиши коэффициенти, тугатилиши коэффициенти, соғиф яратилиши коэффициенти, экспорт салоҳияти, статистик усуслар, статистик баҳолаш.